

«... Шайх Санъон бўлмасанг  
Бўйнингда зунноринг галат!»

Бизга Шайх Санъон кўбдан бери таниш.

Уни бизнинг сўфийларимиз кўбдан билалар. Юкоридаги бир йўл сўфийлик газали хам эскирак замон китобларида бордир.

Санъон Мадинада тарбия топкан бир сўфий, бир шайх эди. Тарикат ёймок учун бўлса керак, Гуржистонга келади. Унда бир гўзал гуржи кизини кўруб ошик бўлди. Шунинг билан унинг тарикатида, шариатида ул киздан иборат бўлди. Санъон киз учун ўзининг энг мукаддас эътиқодларини бархам берганда хам юзаки ишонишлардан — захарлик кулуш билан кулар эди. У шу ишларнинг хаммасини «ҳакикат» учун, тарикатдан, шариатдан, сўфийлик, зоҳидликдан юкори ва юксак бўлгон бир ҳакикат учун ишлаган эди. Юзаки кўрунуш, риёкор ибодатлар ўрнига «ҳакикат излаш» келгандан сўнг Санъон куфр лаънат тошларидан курук колмади. Юзаки карагучи таассуб шайтонлари, истаклари кадар сўкуб каргадилар!

Шу шайхнинг хаётини театр усулида жонлантургон Хусайн Жовид, Кофкасия туркларининг кувватли адиб ва шоирлари (дан — У. С) Хусайн Жовид, шайхга, меним онглашимча, бир ошик, бир муҳлис эди. Шу ишк кайноклиги натижасида 9 манзаралик шеър билан ёзилгон мукаммал адабий, фалсафий бир асар майдонга чиккон.

Унда шу «зуннор билан bogli bўlgon» Шайх Санъоннинг руҳий холатлари, жиннилик хаёти тўла кўрсатилган.

Хуршид ўртокнинг таржимаси ортиқ мактарлик эмас. Бизда хали эътироф килайлик — бундай зўр адабий асарларни «ўзбекчалашдира» тургон тўла бир куч йўк. У холда, таржима ортиқ яхши бўлмаса хам ярарлик, бўларлиkdir.

Факат асарнинг жойланиши (постановкаси) учун кимматли Уйгуримиз кўб тиришкон. Бутун хайъати билан 11 кишидан иборат бўлгон кора баҳтли бир театр тўдаси билан, тўдага беш-үн баробар келатургон кучини четдан тортиб, шу кадар текис ва эркин чикориш катта муваффакият. «Кализей»дек аждаҳо бир сахнада «Шайх Санъон»дек оғир ва куч талаб эткан бир асарни жонландириш ўзбек театрининг чин ошиклари бор эканлигига далил.

Ўюн — умуман олгонда — текис чиқди. Айникса, Шайх Санъон яхши эди. Биринчи пардада Шайх Кабир вазифасини усталик билан бажарган Босит масъулиятлик дарвиш вазифасида кутган ўюнимизни кўрсата олмади. Бошка вазифаларга тўқталиб ўлтурмайман. Улар ўюннинг кетишида бир мунча камчиликлари билан бирга текис эдилар.

Ўюннинг ўзи хам вактида бошланиб, вактида битди. Халқ жуда севинган эди. Сўнг пардаларнинг бирида Уйгур ўрток айрим олкишланиб, тўда исмидан унга бир олтун соат совга килинди. Халқ кўб, «Кализей» биноси тўлғон, унум яхши, айникса фахрий жойларни сотишда кечанинг масъул мудири Мирза Кодир ўрток Кушбегиенфнинг жиддий ташаббуси бўлғонлиги кўрулди. Шундай унумлик томошалар биландирким, ягона бир театру тўдамиз ўлуб колмасдан, яшаб келадир.

Шайх Санъон — «Туркистон», 1923 йил 6 июн.

«Колизей» — Тошкентнинг янги шаҳар кисмida курилган, театр ҳамда концертлар учун мослашибирлиган бинога Кадим Римдаги машхур амфитеатр номини беригаган (колизей — лотинча, улкан). Инкилобдан кейин бинода ўзбек театрининг айрим постановкалари кўйилган. Кейинрок бу бино Свердлов номли концерт залига айлантирилган.